

ШАРТНОМА № 30339

(Товар-маҳсулотлари, курилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар сотиб олиш, хизмат курсатиш)

«04» июль 2022 йил

Қўқон ш

Икки томонлама хужалик муносабатларини ифодоловчи мазкур шартнома уз Низоми асосида иш юритувчи «RIZO PRINT» МЧЖ (кейинги уринларда «Хизмат курсатувчи» деб аталади) номидан раҳбари Р.Рахимов биринчи томон ва иккинчи томон РИО за РИАТМ Қўқон филиали ҳамда уз низоми асосида фаолият юритувчи раҳбар О.Тусматов ўргаларида куйидаги максадларда тузилди.

1. ШАРТНОМА МОХИЯТИ

1.1. «Буюртмачи» куйидаги хизматларни бажариш учун буюради, «Хизмат курсатувчи» эса мазкур хизматларни сифатли, уз вақтида бажаради.

| № | Хизмат тури | Улчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси |
|-------------|---|---------------|---------|-------|-----------------|
| 1 | Буйрук бланка А4 (ок когозга) | дона | 200 | 698 | 139600 |
| 2 | Касаллик тарихи бланка | дона | 5000 | 878 | 4390000 |
| 3 | Китоб 100 варокли каттик муковали | дона | 9 | 89000 | 801000 |
| 4 | Иш хаки бланка А4 формат (кардон когозда) | дона | 500 | 1185 | 592500 |
| 5 | А6 формат бланкалар | дона | 59500 | 38 | 2261000 |
| 6 | А5 формат бланкалар | дона | 38000 | 68 | 2584000 |
| 7 | А4 формат бланкалар | дона | 15300 | 137 | 2096100 |
| ЖАМИ | | | | | 12864200 |

Мазкур шарноманинг умумий қиймати ўн икки миллион саккиз юз олти миш тург миғ икки юз сўм ташкил қилади.

2. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. «Буюртмачи» хизмат учун олдиндан 30% микдорида аванс туловини шартнома имзолангандан сунг 3_(уч) кун, ҳамда тулик хисоб-китобни 10_(ўн) кун ичида пул утказиш йули билан туловни амалга оширади.

2.2. «Хизмат курсатувчи» хизматни бажаргандан сунг, хисобварак-фактураларига асосан бажарилган хизмат учун 70% «Буюртмачи» пул утказиш йули билан туловни амалга оширади.

2.3. Маҳсулотлар учун нарх узаро келишилган холда белгиланади. Агар Давлат назорат органлари томонидан утказилган текшириш ва тафтиш ишлари натижасида етказиб берилган маҳсулотларига белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарк «Хизмат курсатувчи» зиммасидан копланади.

2.4. Ишлаб чикарувчилар учун маҳсулотнинг калькуляцияси ва бахолар прејскуранти асосида нарх белгиланади.

2.5. Нарх-наволарнинг узгариши, энг кам ойлик иш хакининг кутарилиши ёки камайиши, пулнинг кадрсизланиши окибатида шартнома қиймати «Хизмат курсатувчи» томонидан қайта куриб чикилади ва «Буюртмачи» томонидан янги нархлар буйича хисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

3. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

3.1. «Хизмат курсатувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан хизматларни 15 (ўн беш) кун муддат ичида «Буюртмачи» ни топширигига асосан бажариб беришни уз зиммасига олади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «Хизмат курсатувчи» «Буюртмачи»нинг вакилига, муассаса раҳбари ва бош хисобчи томонидан имзоланган ҳамда юмолок мухр босилган ишонч когози курсатилгандан сунг маҳсулот беради.

4.2. «Хизмат курсатувчи» маҳсулот сифати ва микдорига тулик кафолат беради.

4.3. «Буюртмачи» шартномада курсатилган маҳсулотни сифати, нави ва категорияси талабга жавоб берган холатдагина уни кабул килиб олади.

4.4. «Буюртмачи» кабул килиб олган маҳсулотни шартнома талабларига номувофиқлигини аниклаган холда «Хизмат курсатувчи»га ёзма далолатнома юборади, ҳамда сифатсиз деб топилган маҳсулотни «Хизмат курсатувчи»га қайтариб беради.

4.5. «Хизмат курсатувчи» «Буюртмачи»га унинг ишонч когозида қайд килинган маҳсулотларни беради. Агар «Хизмат курсатувчи» томонидан «Буюртмачи»нинг ишонч когозида курсатилмаган маҳсулотларни, ёки маҳсулотларни ишонч когозида белгиланган микдоридан ортик берган холларда, бу маҳсулотлар учун «Буюртмачи» томонидан қайтариб берилади ёки бу маҳсулотлар учун ҳақ туланмайди.

4.6. «Хизмат курсатувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз махсулотлар етказиб берилса, бу махсулот «Хизмат курсатувчи»га қайтариб берилади ёки бу махсулотлар учун ҳақ туланмайди.

4.7. «Хизмат курсатувчи» етказиб берган махсулотларни ҳисоб варақларда тулик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа курсаткичларини курсатиши, шунингдек, ҳисоб – варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тулик расмийлаштирилиши шарт. Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари курсатилмаган ҳисоб- варақлар буйича тулов амалга оширилмайди.

5. МУЛКІЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Агар «Хизмат курсатувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз, ёки саклаш муддатлари утиб кетган махсулотларни етказиб берилган ҳолда «Буюртмачи» «Хизмат курсатувчи»дан бундай махсулотларни умумий қиймати 20% жарима қўллаб, қонунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2. Агар «Хизмат курсатувчи» томонидан «Буюртмачи»га белгиланган махсулотлар белгиланган муддатларда етказиб берилмаса, «Хизмат курсатувчи» муддати утган ҳар бир Кун учун кечиктирилмаган махсулот қийматининг 0,5% миқдоридан лекин кечиктирилган махсулот қийматининг 50% дан ошмаган ҳолда «Буюртмачи»га пеня тулайди.

5.3. Агар «Буюртмачи» «Хизмат курсатувчи»дан олинган махсулот пулини белгиланган муддатда тулаб бермаса, муддати утган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4% миқдоридан, лекин кечиктирилган туловнинг 50% ошмаган миқдорда пеня тулайди.

5.4. Жарималар туланиши «Хизмат курсатувчи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6. ФОРС – МАЖОР ХОЛАТЛАР

6.1. Шартнома тузлгандан сунг табиий офатлар (ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин, эпидемия), уруш, ҳукуматнинг норматив – ҳуқуқий ҳужжати, томонларни хоҳишидан қайта назар бажара олмайдиган ҳолатлар вужудга калган тақдирда шартноманинг вазифалари бажарилмаса икки тараф ҳам жавобгар булмайди.

7. ШАРТНОМА МУДДАТИ

7.1. Шартнома «Фуқаролик кодекси»нинг 366-моддасида курсатилган талаблар бажарилганда ва иккала томонлар имзолангандан сунг қучга қиради.

7.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил « 04 » июлдан 2022йил «31» декабрь.

7.3. Шартнома томонлар қелишувига асосан, «Хизмат курсатувчи» томонидан бажарилган хизмат «Буюртмачи» томонидан сифатсиз деб топилганда ва «Хизмат курсатувчи томонидан мазкур шартноманинг 4.1, 4.2, 4.3, - бандлари бажарилмаганда шартнома «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Бекор қилинганлиги тугрисида «Буюртмачи» «Хизмат курсатувчи»га ёзма равишда, асосларини қелтирган хат билан маълум қилади.

8. ҚУШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Шартнома юзасидан қелиб қиккан низолар узаро ҳал қилинади. Агар узаро ҳал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Иқтисодий судлари орқали ҳал қилинади.

8.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, ҳар бир нусха тенг юридик қучга эга булиб томонларда бир нусхадан сақланади.

8.3. Шартномага барча узгартиришлар иккала томонлама қелишилган ва шартнома қушимча битим имзоланиб ЮХК маркази томонидан тасдиқлангандан сунг қонуний деб ҳисобланади.

8.4. Шартнома икки томонлама имзоланиб Газначилик бошқармалари (булим)да руйхатдан утқазилгандан сунг қонуний қучга қиради.

9. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Хизмат курсатувчи»
«RIZO PRINT» МЧЖ

(хизмат курсатувчининг номи)

Манзил: Қўқон шаҳар Озодлик хиёбони 22-уй

Тел./факс 998905888665

х/в 20208000200343138001

Банк номи Асака банк Қўқон филиали

МФО 00631 СТИР 302961100

ОКОНХ



Раҳбар

М.У

Р.Раҳимов

(Ф.И.Ш)

(имзо)

«Буюртмачи»

РИО ва РИАТМ Қукон филиали

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил : Қукон шаҳар Қукон садоси 67

Тел./факс 73-542-28-64

ш/х*

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи_206970224

ОКОНХ_91513

Газначилик бўлинмаси номи

Газна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ХККМБ

МФО 00014

газначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Раҳбар О.Тусматов

(давлат)

М.У

(Ф.И.Ш)

(имзо)



Қўқон шаҳар

Қ. М. Раҳимов

Тасдиқлайман
РИО ва РИАТМ Қўқон филиали
директори:  О.Т.Гусматов

РИО ва РИАТМ Қўқон филиали 2022-йил харажатлар сметасида ажратилган
бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларидан оқилона, самарали фойдаланиш
хамда товар, иш ва хизматлар сотиб олиш мақсадида танлов савдоларини ўтказиш
ишчи гуруҳининг
Йиғилиш баёни №1

29.06.2022

Қўқон шаҳар

Йиғилишда ишчи гуруҳининг қуйидаги аъзолари қатнашдилар:

Раислик қилувчи :

Умумий ишлар бўйича бошлик
ўринбосари: О.Нишонбеков

Аъзолари :

Хўжалик ишлари бўйича мудир: Р.Ахмедов

Дорихона мудир: М.Ахмедова

Омборчи: А.Джураев

Катта хамшира: Н.Ходжаева

Йиғилиш кун тартибида кўриладиган масала:

РИО ва РИАТМ Қўқон филиалига 22.06.2022 йилда etender.uzex.uz дастурида
22110012110847 сонли лот орқали 118500 та бланкалар ва 9 та китоб сотиб олиш
учун жойлаштирилган 13 132 000 сўмлик эълон бўйича.

Йиғилиш қарори:

Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги “давлат харидлари
тўғрисида” ги ЎРҚ 684 сонли қонунининг 62-моддасида кўрсатилган тартибда

Таклифларни таққослаш натижаларига кўра харид комиссияси танлаш
ғолибини аниқлайди ва танлаш ўтказиш натижаларини баённомада акс эттиради.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш
хужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг
таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида
эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда
давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига
жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш
ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат
буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи
ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган
эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимида жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

Юқоридаги тартиблар бўйича ушбу лотнинг муҳокама даврида шикоят ва аризалар келиб тушмаганлиги сабабли “RIZO PRINT“ МЧЖ билан икки томонлама шартнома тузиш мақсадга мувофиқ этиб белгиланди.

Раислик қилувчи

Аъзолари



[Handwritten signature]
[Handwritten signature]
[Handwritten signature]
[Handwritten signature]

О.Нишонбеков

Р.Ахмедов

М.Ахмедова

А.Джураев

Н.Ходжаева